



XALQ DEPUTATLARI XORAZM VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 24 - aprel

VI-46-60-12-0-K/22

Xorazm viloyati hokimligi

Хоразм вилояти бўйича 2022 йил 1-чорак учун бюджет ижроси ва маҳаллий бюджетга қўшимча манбаларни жалб қилиниши бўйича Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Х.Абдукаримовнинг ҳисоботи тўғрисида

Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши қайд қиладики, Хоразм вилоятига бюджет даромадлари бўйича 2022 йил учун белгиланган 2 трлн. 302,0 млрд. сўмлик режа кўрсаткич, 2022 йилнинг 1-чораги учун бюджетга белгиланган 497,6 млрд. сўмлик режа кўрсаткич, ҳақиқатда 559,4 млрд. сўмга ёки 113 фоизга бажарилиб, режага нисбатан 62,3 млрд. сўм қўшимча ундирилиши таъминланган.

2022 йил 1-чорак мобайнида 1134 нафар фуқаролар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиниб, уларга 308,3 млн. сўм даромад солиғи ва 324,4 млн. сўм ижтимоий солиқ ҳамда фаолиятини вақтинча тўхтатган 1203 нафар якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолияти қайта тикланиб, уларга 156 млн. сўм даромад солиғи ва 191,8 млн. сўм ижтимоий солиқ ҳисобланиб, давлат бюджетига ундирилиши таъминланган.

Тадбиркорлик субъектларининг узлуксиз ишлашлари учун айланма маблағларини кўпайтириш мақсадида қўшилган қиймат солиғидан 41 та ҳолатда 28,2 млрд. сўм ортикча тўлов суммалари ҳисоб-рақамларига қайтариб берилган.

Солиқ қарзини ундириш бўйича 2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятдаги солиқ тўловчиларнинг бюджетдан жами 140,8 млрд.сўм солиқ қарзи мавжуд бўлиб, қарздорлик ой бошидаги 143,2 млрд.сўмга нисбатан 2,4 млрд.сўмга ёки 98,3 фоизга камайган.

2022 йил 1-чорак мобайнида солиқ органи қарорларига асосан қарздор 709 та корхонанинг 24,0 млрд.сўмлик мол-мулкларини хатлаш бўйича қарор чиқарилган, натижада 7,2 млрд.сўм солиқ қарздорлиги ундириб олинган.

Солиқ органлари томонидан қўрилган мажбурий ундирув чоралари натижасидан тўғри хулоса чиқармаган 1012 та корхона-ташкилотнинг 63,3 млрд.сўмлик солиқ қарздорлигини уларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш бўйича мажбурий ижро бюроси ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида уларнинг жами 7,6

млрд.сўм солиқ қарздорлиги ундириган. Шунингдек, ундирилиши умидсиз бўлган 112 та корхона-ташкilotларнинг 21,3 млрд.сўм солиқ қарзи бўйича банкрот деб топиш юзасидан судларга ариза киритилган.

Хоразм вилояти бўйича 2022 йил 1-чорак учун бюджет ижроси ва маҳаллий бюджетга қўшимча манбаларни жалб қилиниши бўйича Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Х.Абдукаримовнинг ҳисоботини тинглаб, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши

Қарор қилади:

1. Хоразм вилояти бўйича 2022 йил 1-чорак учун бюджет ижроси ва маҳаллий бюджетга қўшимча манбаларни жалб қилиниши бўйича Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Х.Абдукаримовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов), вилоят молия бош бошқармаси(Т.Бабаджанов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутатлари билан биргаликда:

- маҳаллий бюджетга белгиланган кўрасаткичларнинг ҳар бир туман (шаҳар) бўйича ҳар ойда сўзсиз бажариб борилишини таъминлаш;

- маҳаллий бюджетга қўшимча солиқ тушириш борасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда солиқ тушириш резервларини тўлиқ ишга солиш чораларини кўриш;

- вилоятда солиқ ҳисоботларини тўлиқ таҳлил қилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар кўриб, бюджетга қўшимча тушумларни кўпайтириш борасидаги мавжуд камчилик ва муаммолар бартараф этиш;

- солиқ бўйича қарздорликни мажбурий ундириш, давлат фойдасига ўтказилган мол-мулкларни сотиш ҳисобидан бюджетга даромад тушириш борасида назоратни кучайтириш юзасидан тизимли вазифалар амалга ошириш;

- тадбиркорлик субъектларига инқироз даврида мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича берилган имтиёزلардан тўлиқ ва тўғри фойдаланилишини таъминлаш топшириқлари белгилансин.

3. Вилоятдаги корхона ва ташкilotлар раҳбарлари бюджет ҳамда мақсадли жалғармалар олдида солиқ мажбуриятини бажариш, солиқларни тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида тўлаб боришга масъул эканликлари, солиқ қарздорлигига йўл қўймасликлари лозимлиги таъкидлансин. Солиқ қарздорлигига эга корхоналар эса ушбу қарздорликларни қисқа муддатда, йил якунига қадар тўлиқ бартараф қилишлари лозимлиги бўйича шахсий жавобгар бўлишлари белгилаб қўйилсин.

4. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш

масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Э.Бобожонов, халқ депутатлари туман Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари билан биргаликда бюджетга қўшимча тушумларни ошириш, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлардан самарали ва тўғри фойдаланилиши устидан мунтазам назоратини ўрнатсинлар ҳамда доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама қилиб борсинлар.

5. “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Рахимберганова), Хоразм телерадиокомпанияси (Ў.Маткаримов) ҳудудларда бюджет прогноз кўрсаткичларининг ижросини кенг жамоатчиликка етказиш, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича тадбирларни кенг ёритиб бориш тавсия қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Қ.Игамбергенов ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Э.Бабажановлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Ф.Эрманов